

Бунда ҳўжалик рационига кўшимча равишда Тривит, Ультракетост ва Гепастимулин мажмуйини қўллаш сигирларнинг ўртача тирик вазнини 120-137,5% га ошириш, сут маҳсулдорлиги пасайишининг 40-60% га олдини олиш, шунингдек, мажбурий сўйилиш ҳолларинининг 33,3% га олдини олдиниши орқали ҳар бош сигир ҳисобига ўртача 2238375 сўмдан иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берди.

1-жадвал. Сигирларда алиментар остеодистрофия касаллигини даволаш ва олдини тажрибаларининг схемаси

Даволаш тажрибалари				Олдини олиш тажрибалари		
Гуруҳлар		Ҳай- вон сони	Тажриба шартлари	Гуруҳ- лар	Ҳай- вон сони	Тажриба шартлари
Субклиник босқич	Назорат	3	АДУ-1	Назорат	5	ХР+ АНЪНАВИЙ ООВ
	1-тажр	3	АДУ-1 +ИНСУЛИН			
	2-тажр	3	АДУ-1 +ГИДРОКОРТИЗОН			
2-босқич	Назорат	3	АДУ-2	1-тажриба	5	ХР+ ТРИВИТ+ УЛЬТРАКЕТОСТ
	1-тажр	3	АДУ-2 +ИНСУЛИН			
	2-тажр	3	АДУ-2 +ГИДРОКОРТИЗОН			
3-босқич	Назорат	3	АДУ-3	2-тажриба	5	ХР+ ТРИВИТ+ УЛЬТРАКЕТОСТ+ ГЕПАСТИМУЛИН
	1-тажр	3	АДУ-3 +ИНСУЛИН			
	2-тажр	3	АДУ-3 +ГИДРОКОРТИЗОН			

Хулоса: 1. Сигирларда алиментар остеодистрофияни даволашда яширин босқичда АДУ-1+ИНСУЛИН, иккинчи босқичда АДУ-2+ИНСУЛИН вариантлари, учинчи босқичда эса АДУ-3+ГИДРОКОРТИЗОН вариантыни қўллашга асосланган даволаш усули энг самарали этиопатогенетик даволаш усули ҳисобланади.

2. Сигирларда алиментар остеодистрофиянинг олдини олиш учун ҳўжалик рационига кўшимча равишда ТРИВИТ+УЛЬТРАКЕТОСТ+ГЕПАСТИМУЛИН мажмуйини қўллашга асосланган гуруҳли профилактика усули энг самарали усул ҳисобланади.

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ПАЙАРИҚ ТУМАНИДА ҚОРАМОЛЛАР
ЭХИНОКОККОЗИНИНГ ТАРҚАЛИШИ**

Э.Р.Махмудов, С.Ахмедова – магистрантлар, К.Уроқов – ассистент

Аннотация: Мақолада Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида қорамоллар орасида эхинококкознинг тарқалганлик даражаси тўғрисида олинган маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар. Эхинококкоз, цестодоз, қорамол.

Мавзунинг долзарблиги. Республикамиз шароитида қорамолларнинг паренхиматоз органларида учрайдиган гельминтозларни эпизоотологик ҳолатини ўрганиш, уларга қарши такомиллашган кураш чораларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш ҳамда энг кўп содир бўладиган касалликлар оқибатида ҳайвонларнинг ўлими ва мажбурий сўйилишини олдини олиш жойларда гўшт ва сут маҳсулдорлигини оширишга имкон беради.

Ҳукуматимиз томонидан шахсий ёрдамчи ва фермер хўжаликларида қорамолчиликни янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Аммо ушбу соҳани ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омиллар кўп. Уларга, қорамоллар орасида учраб турадиган, хайвонларнинг ўлимига, кўпинча эса уларнинг мажбурий сўйилишига олиб келувчи цестодларнинг личинкалари жумладан эхинококк кўзғатадиган гельминтоз касалликларини кўрсатиш мумкин.

Тадқиқотлар объекти ва услублар. Тадқиқотлар 2016-2017 йилларда Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманидаги эхинококкозга носоғлом бўлган шахсий ёрдамчи хўжаликларида қарашли мажбурий сўйилган 57 бош қорамолларнинг жигарини тўлиқ гельминтологик ёриш йўли билан ажратиб олинган гельминтлар сонини аниқлаш орқали бажарилди.

Олинган натижалар таҳлили. Эхинококкоз кўзғатувчиси – *E.granulosus* нинг барча ривожланиш босқичлари эндоген шароитда кечади ва унинг тараққиётида умуртқасиз хайвонлар иштирок этмайди. Ҳар бир ҳудудда эса паразитнинг ҳам оралик (қишлоқ хўжалик хайвонлари, одам), ҳам асосий (итлар ва бошқа айрим гўштхўрлар) хўжайинлари учрайди. Шу сабабли эхинококкоз Республиканинг барча ҳудудларда тарқалиш имкониятига эга. Энг муҳими асосий хўжайин ҳисобланувчи итларнинг эхинококклар билан зарарланишида антропоген омил асосий роль ўйнайди, ушбу омил таъсири эса йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Оралик хўжайин организмида эхинококкнинг пуфаксимон личинкалари тўқималарни бузиб, йилдан йилга тўхтовсиз ўсиб боради ва айрим ҳолатларда бутун органни эгаллайди. Бундан ташқари паразит личинкалари модда алмашинуви жараёнида ҳосил бўлган захарли маҳсулотларини хўжайин организмига ажратиб туради.

Текширишларимизга кўра мажбурий сўйилган 57 бош қорамолларнинг 19 бошининг эхинококк билан зарарланганлиги аниқланди. Шундай қилиб қорамолларнинг 33,3 фоизида эхинококкоз пуфаклари учраганлиги қайд этилди. Эхинококкозга чалинган қорамоллар жигарининг 17 тасида 3 нусхадан 51 нусхагача *E.granulosus* нинг пуфаклари топилди. Тўртинчи бош қорамол жуда юқори даражада зарарланган бўлиб, унинг жигарида саноксиз ёнғоқ шаклидан товук тухумидек ва ундан ҳам йирик ҳажмдаги эхинококк пуфаклари мавжуд эди.

Эхинококкозга чалинган хайвонларга нотўғри ташхис қўйиб, уларда турли дори воситалари билан даволаш муолажаларини ўтказилиши натижасида мажбурий сўйилган қорамоллар жигаридаги эхинококк пуфакларининг ичи йиринга тўла бўлиб, унда турли хил катталиқдаги абсцесслар пайдо бўлган.

Юқорида келтирилган малумотлар Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида қорамоллар орасида эхинококкозни кенг тарқалганини кўрсатиб турибди. Хайвонлар жигарини эхинококк пуфаклари билан интенсив зарарланиши унда кескин патологик жараёнларни келтириб чиқаради. Ушбу касалликга аниқ ташхис қўйиш ва даволаш усуллари аниқ ишлаб чиқилмаган. Бундай ҳолат жойларда эхинококкознинг олдини олиш чораларини кучайтиришни талаб қилади.

Хулоса. Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида қорамоллар орасида эхинококкознинг кенг тарқалганлиги, унинг диагностикаси ва олдини олиш чора-тадбирларини кучайтиришни тақоза этади.

СУНЪИЙ ПИРЕТРОИДЛАР ТОКСИКОЛОГИЯСИ

Д.Хидиров - талаба, Ғ.М.Қулдошев - ассистент

Кириш. Кейинги йилларда ўсимликларни ва қишлоқ хўжалик хайвонларини турли зараркунандалари ва касалликлардан ҳимоя қилиш учун синтетик пиретроидлар гуруҳига кирувчи пестицидлар кенг қўлланилмоқда.